Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqa boshlagan

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 10 yanvar, payshanba
№ 4 (14495)

# ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНЛАР МАМЛАКАТИ БЎЛАДИ

***Яқинда республика мактаб ўқувчилари ўртасидаги “Умид ниҳоллари” мусобақаларига старт берилган эди. Мухбиримиз баҳсларнинг ўтган икки босқичи натижалари ва учинчи босқичи таҳлили юзасидан Халқ таълими вазирлиги ҳарбий ватанпарварлик, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи ўринбосари Акмал БОБОНОВ билан суҳбатлашди.***

— Президентимиз мустақилликнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод — буюк келажак тимсоли эканлигига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Қатор йиллардан буён “Соғлом авлод учун” теннис турнирлари кенг қамровда ўтказилмоқда. Республика ўрта мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари”, техникум ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган ўғил-қизлар иштирокида “Баркамол авлод”, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида “Универсиада” мусобақалари ўтказилиши анъанавий тусга кирди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги ҳар бир ўғил-қиз бу мусобақаларга жалб этилиб, маълум бир спорт тури бўйича ўз маҳоратини оширмоқда.



Айни кунларда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги “Умид ниҳоллари” мусобақаларининг иккинчи босқичи ўз ниҳоясига етиб, учинчи босқич баҳслари авж олди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоизки, 2002 йилда Фарғонада ўтказиладиган “Умид ниҳоллари” ўйинлари финали билан “Олимпиада умидлари” мусобақалари ўртасида анчайин фарқлар бор. Ҳолбуки, “Олимпиада умидлари” ўрта мактаб ўқувчиларининг синфлараро мусобақасидир. “Умид ниҳоллари”да эса ғолиб чиққан мактаблар ўқувчилари орасидан саралаган вилоят терма жамоалари иштирок этади.

Ўқувчилар ўртасида “Умид ниҳоллари” баҳсларининг ўтказилиши натижасида кўплаб спорт иншоотлари тартибга келтирилди, янгилари барпо этилди. 2001 йилда умумий ўрта-таълим мактаблари учун 3 та спорт зали, 12 та футбол, 3 та волейбол, 3 та баскетбол майдонлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мусобақаларни мазмунли ўтказишда элимизнинг саховатпеша фарзандлари ҳомийлик ёрдамларини кўрсатишмоқда. Жумладан, Навоий шаҳар ҳокимлиги 12 миллион сўм, Кармана тумани ҳокимлиги 1,8 миллион сўм, Зарафшон шаҳар ҳокимлиги 5,5 миллион сўм, Конимех тумани ҳокимлиги 1 миллион сўм, Самарқанд вилояти Челак тумани “Ватанпарвар” ташкилоти ва бошқалар 195 минг сўм, вилоят касаба уюшмалари қўмитаси 185 минг сўм, Тойлоқ тумани фермерлар уюшмаси ҳамда туман Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси 110 минг сўм, Сирдарё вилоятидаги кўнгилли спорт жамияти 450 минг сўм, шаҳар халқ таълими бўлимлари 400 минг сўмлик ҳомийлик ёрдамини кўрсатишган.

“Умид ниҳоллари” мусобақаларининг 2-босқич баҳслари Хоразм вилоятининг Қўшкўпир, Шовот, Гурлан, Ҳазорасп, Самарқанд вилоятининг Булунғур, Ургут, Самарқанд, Жиззах вилоятининг Бахмал, Арнасой, Ғаллаорол, Сирдарё вилоятининг Сайхунобод, Шароф Рашидов туманлари ва Янгиер шаҳри, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон, Давлатобод, Наманган, Учқўрғон, Навоий вилоятининг Қизилтепа, Қорақалпоғистон республикаси Амударё, Тошкент шаҳрининг Ҳамза, Мирзо Улуғбек, Чилонзор туманларида, айниқса, кўтаринки руҳда ўтказилди. 5-7-синф ўқувчилари ўртасидаги ушбу мусобақалар спортнинг 11 тури бўйича вилоят миқёсида ўтказилиб, ғолиб ва совриндорлар аниқланди. 8-, 11-синф ўқувчилари ўртасида мазкур спорт мусобақаси босқич ўйинлари сифатида давом этмоқда. Бу вилоят босқичидаги беллашувларда апрель ойида Фарғона шаҳрида бўлиб ўтадиган якунловчи босқич баҳслари учун номзодлар аниқланмоқда. Айни пайтда вилоятларда мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунлари давомида “Умид ниҳоллари” мусобақаларининг вилоят босқичи баҳслари ўтказилмоқда. Унинг илк натижалари ҳам аниқланмоқда. Сирдарё вилоятида 5-7-синф ўқувчилари ўртасида спортнинг футбол, енгил атлетика, теннис, бўйича баҳслари ниҳоясига етган. Ушбу учрашувларда футбол, теннис ва сузиш бўйича гулистонлик, енгил атлетика бўйича Сирдарё тумани ёш спортчиларининг қўли баланд келган.

Яқин кунларда республикамизнинг барча вилоятларида “Умид ниҳоллари”нинг финал босқичи иштирокчилари аниқланади. Насиб этса, эртага худди шу авлод Ўзбекистонни бор бўй-басти билан жаҳонга кўрсатади, улар эл-юрт ғурурига айланишади.Зеро, бу каби кенг миқёсдаги эзгу тадбирларни уюштиришдан кўзланган мақсад ҳам шундан иборатдир.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

# МУСТАҚИЛЛИК КАШФ ЭТГАН ЮЛДУЗ





**Дилшод Ориповни бугун ҳамма билади. Унинг довруғи дунёга достон. Тинимсиз машғулотлар Дилшодни энг баланд шоҳсупага кўтарди.**

**У 1997 йилда юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпиони бўлди. Мамлакат терма жамоаси сафида Сидней олимпиадасида иштирок этиб, Ватан шарафини муносиб ҳимоя қилди!**

**Ўтган 2001 йил Дилшод Орипов учун шон-шуҳрат ва муваффақиятларга мўл бўлди. У дастлаб Тошкентда ўтказилган халқаро мусобақада совринли ўринлардан бирини эгаллади. Орадан бироз ўтиб, Грецияда жаҳон чемпионати бошланди. Унда ҳамюртимиз барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритди.**

**Дилшод билан суҳбатлашсангиз, баҳри дилингиз очилади. Соддалик, камтаринлик унинг сўзларида, кўзларида барқ уриб туради.**

**Полвоннинг ҳали орзулари мўл. Насиб этса, у бўлажак Осиё ўйинларида ҳамда Олимпиада баҳсларида яна зафар қучмоқчи.**

**Бўш келма, чемпион!**

## ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

# «КАМОЛОТ» ЯНГИ БИНОДА

Янги йилни “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилояти Кенгаши жамоаси кўтаринки руҳда бошлади. Бунинг сабаби бор, албатта. Вилоят ҳокимлиги яқиндагина қуриб, фойдаланишга топширилган бинодан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда “Маънавият ва маърифат” вилоят кенгашларига жой ажратди. Янги бинода ишлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хоналар кенг ва ёруғ ҳамда дид билан жиҳозланган.

— Вилоятимиз ҳокимлигининг бу туҳфасини ёшларга бўлган эътиборнинг амалий натижаси дейиш мумкин, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси А. Хўжамқулов. — Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги битта компьютер мажмуасини ҳам совға қилди.

Ўйлаймизки, “Камолот” воҳамизда ёшларнинг чинакам таянчи ва суянчига айланажак.

**Ж. ЧОРИЕВ**

# БАЙРАМ ҚУВОНЧИ

Кам таъминланган оилаларда вояга етаётган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон шаҳар Кенгаши ҳамда Болалар ташкилоти ҳамкорликда шаҳардаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежида 6,7-сонли ва “Саъдий” маҳаллаларида яшовчи 160 нафар болалар иштирокида Янги йил байрам тадбирини ўтказди.

Андижон “Болалар ва ўсмирлар маркази” қошидаги “Андижон” ашула ва рақс дастаси томонидан саҳналаштирилган Қорбобо ва Қорқиз иштирокидаги Янги йил саргузаштлари ҳамда хонанда ва раққосалар томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар кечага файз киритди.

Тадбирда болалар иштирокида турли ўйинлар, шеър ва рақслар танлови уюштирилди. Ғолибларга совғалар тарқатилди.

**А. МУЛЛАБОЕВ**

# ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

***«Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамияти директори Абдурашид ТЎРАҚУЛОВ билан суҳбат***

Бугунги кунда Ватанимизнинг энг чекка қишлоғидан туриб дунёнинг исталган нуқтаси билан алоқада бўлиш имкониятига эгамиз.Чунки бу соҳада кейинги йилларда фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари жорий этилди. Буни биз “Сурхондарё почтаси” мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

**— 2001 йилда корхона фаолиятини қандай боҳолаш мумкин?**

— Жамиятимиз аъзолари 2001 йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Ўтган йилда вилоятимиз аҳолисига 269 миллион сўмлик почта хизмати кўрсатилди. Бу рақам олдинги йилга нисбатан 31 миллион сўмга кўпдир.

**—Юртбошимиз 2002 йилни “Қарияларни қадрлаш йили” деб эълон қилдилар. Шундай экан, жорий йилда почта ва алоқа ходимларига янада катта масъулият юкланади. Шундай эмасми?**

— Тўғри. Биз доимо отахону онахонларнинг хизматидамиз. Уларни қадрлашни биринчи галдаги вазифамиз деб биламиз. Бундан ташқари, пенсионерларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қўшимча 86 та почта алоқа пунктини очиш ниятидамиз. Бу узоқ тоғли ва чўл ҳудудларида яшаётган пенсионерларга анча қулайликлар яратади.

**— Жамоа орасида маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш борасида қандай ишлар қилинмоқда?**

— Ходимларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини ошириш мақсадида барча туман почта алоқа филиалларимизда “Маънавият ва маърифат” хоналари ташкил этилган. Давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилиб турилади. Республика бўйича фақатгина почта соҳасида бизнинг жамиятимиз ягона “Жануб вақти”дек матбуот нашрига эга.

**— Обуна мавсуми қандай якунланди? Белгиланган режалар уддаландими?**

— Соҳамиз обуна ишлари билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳар бир алоқа бўлимида октябрь ойидан бошлаб матбуот нашрларига обуна қилиш бошланганди. Бу борада кўрсаткичимиз 102 фоизга етди.

Очиғини айтганда, шаънимизга гоҳида яхши, гоҳида эътирозли гаплар ҳам бўлиб турибди. Тан олиш керак, иш бор жойда камчилик бўларкан. Энг муҳими, камчиликларга ўз вақтида эътибор берилиб, бартараф этилса, ҳар қандай нохушликларнинг олди олиниши табиий. Яқинда нашрлардан бирида танқидий мақола эълон қилинди. Мақола юзасидан 11 кишидан иборат комиссия иштирокида муҳокама ўтказилганда, муаллиф почта ходимларига нисбатан эътирози йўқлигини маълум қилди. Танқид — келажак меваси, дейишади, аммо...

**— Пенсионерларга нафақаларни тарқатишда айрим нохуш ҳолларнинг олдини олиш борасида қандай амалий чоралар кўрилмоқда?**

— Бу борада қатор амалий ҳаракатлар бошланган. Ходимлар малакасини ошириш, уларнинг вақти-вақти билан иш ўринларини алмаштириш, шаҳодат синовлар, ички назорат ва текширишлар мунтазам ўтказилмоқда. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан 2002 йилдан бошлаб, воҳамизда яшовчи 166 мингдан зиёд пенсионерларга шахсий ҳисоб дафтарчасини бепул бериш учун жамиятимиз томонидан катта маблағ ажратилиб, 170 минг дона ҳисоб дафтарчалари тайёрланди ва нафақа тўловида назоратни кучайтириш чоралари ишлаб чиқилди.

**— Жамиятнинг ўз акциядорлари бор. Уларга дивидент тақсимлаш ишлари ҳақида ҳам гапирсангиз?**

— Жамиятимиз ҳиссадорлари 2000 йил якуни бўйича ҳар 1 дона акцияга 42 сўмдан дивидент олган бўлса, 2001 йил якунига асосан унинг миқдори икки баробар ошиши кутилмоқда.

**— Вилоятдаги барча бўлимлар компьютерлар билан таъминланганми?**

— Туман, шаҳар филиалларимизни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида почта ва телекоммуникация соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 20 миллион сўм кредит олдик. Мақсадимиз, компьютер, факс, ксерокс, электрон тарозилар билан жойлардаги бўлимларимизни таъминлашдир.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# «O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARIGA 10 YIL» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучлар қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида:

1. “O`zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil” эсдалик нишони таъсис этилсин.
2. “O`zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil” эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.Каримов**
Тошкент шаҳри,
2001 йил 25 декабрь

## БИЗ КИММИЗ?

# ЎЗБЕКНИНГ АЛП ҚИЗИ

Шарқ аёлларида қадим-қадимдан ожизалик белгиларидан кўра, сабр, матонат, мардлик хислатлари кўпроқ намоён бўлган. Бизнинг фахримиз, ғуруримиз бўлган ана шундай аёлларимиздан бири “Алпомиш” достонидаги суюкли қиз Барчинойдир. Барчин, нафақат гўзаллиги, донолиги, балки ғайрат-шижоати, мардлиги, қаҳрамонлиги билан ҳам тилларда достон бўлиб келмоқда.

Бу тимсолнинг бошқа аёллардан фарқи унинг мард ва кучли эканлигидадир. Негаки, у алплар авлодидан бўлиб, томирида Довонбий ва Алпинбийларнинг қони оқар эди. Бу ерда яна бир фикр пайдо бўлиши мумкин: Унда нега Қалдирғочда бундай хусусиятлар кўзга ташланмайди? У ҳам алплар авлодидан-ку? Буни биз ўзимизча талқин қилишга уриниб кўрдик. Чунки Барчин ота-онадан туғилган ёлғиз фарзанд. Қалдирғочнинг эса акаси бор. Шу сабабдан алпликнинг барча хислатлари ўғил фарзандга мерос бўлиб ўтган. Барчин эса ҳам қизнинг, ҳам ўғилнинг хислатларини ўзида мужассам этган.

Бойсари акаси Бойбўридан аразлаб, Қалмоқ юртига кетаётган пайтда бу кўчишнинг оқибати яхши бўлмаслигини энг биринчи сезган Барчин эди. У келажакда юз берадиган кўнгилсиз воқеаларни, бошларига тушадиган фалокатларни олдиндан англаб етади ва руҳан эзилади. Онасига: “Қалмоқда гулдек танам қолиб кетмайдиму? Хотин деган эрнинг вазири бўлур эди, сен нега индамадинг?” деб нола қилади.

Барчиннинг қаҳрамонликлари Кошалда юзага чиқа бошлайди. Бойсари ўз эли билан Қалмоқ музофотига бориб жойлашади. Барчин бу пайтда айни камолга тўлган, 14 ёшли гўзал қиз эди. Унга достонда шундай таъриф берилади: “Шул вақтларда Барчин ҳали баркамол, бўйи етган, ҳар яғрини 15 қаричдан келади. Пирнинг назари билан пайдо бўлган, бу ҳам алп”. Ҳеч қайси достонда аёлларга нисбатан бундай таъриф берилмаган. Барчин чиндан ҳам пирнинг назари тушган алп эди. Қалмоқнинг бир кам 90 алпи Барчинни талашиб, ё биримизга, ё баримизга тегасан деб шарт қўяди. Бундан Бойсари ночор ҳолатга тушади.

Бир кам 90 алп Барчиннинг ўтови олдига келиб: “Чиқ бу ёққа, ўзбек қизи, ё биримизга тег, ё баримизга тег”, — деб туради. Бу сўзлардан Барчин сира қўрқувга тушмайди. Аксинча, уларга нисбатан ғазаби, нафрати орта бошлайди.

Бу гаплардан Кўкалдошнинг жаҳли чиқиб, Кўкаман алпга буюради: “Бу ўзбек қизининг дами баланд экан, кўраман! Тушиб судраб чиқ бу ёққа! Кўкаман ўтов ичига кириб, Барчинни ташқарига торта бошлайди. Шунда Барчин ўзини ўнгариб, бир қўли Кўкаманнинг ёқасига етади, бир қўли билан белбоғидан тутади. “Ё Шоҳимардон пирим”, — деб кўтариб, чалқирамон қилиб ерга урди. Чап тиззасини кўкрагига қўйиб турди. Оғзи-бурнидан дирак-дирак қон кета берди”.

Барчиннинг кучли ор-номус ва ғурур эгаси эканлиги ҳам таҳсинга сазовор. Севгидан кўра номус ва ғурурни устун қўйгани учун, йўлларига интизор бўлиб кутган йигитига ҳам бирдан розилик беришни ор деб билади. У ўзини қутқариш учун келган Алпомишга тўғридан-тўғри тегиб кетавермай, Алпомиш номидан совчи бўлиб келган Қоражонга шундай дейди:

— “Алпомиш келса кебти-да, Алпомиш келди, деб унинг этагидан ушлаб кетаберайинми? Бу алплар ҳам мени розилигимни сўраб, 6 ойга муҳлат берган. Ҳар ким майдонга от солади. Ҳар кимнинг кўнгли ўзидан қолади. Менинг тўртта шартим бор, шул тўрт шартимни бажарган кишига тегаман. Хоҳ Алпомиш олсин, хоҳ қалмоқларнинг бири олсин. Сўзимни хон тўрамга айтиб бор”.

Барчин аёл зотидан. Аммо, у эркакларнинг қўрқоқлигига, заифлигига кўнолмайди. Охирги кураш шартида Кўкалдош ва Алпомиш майдонга тушиб турибди. Қанча ҳаракат қилмасин, Алпомиш Кўкалдошни йиқита олмапти. Кўкалдош ҳам алпларнинг энг зўри. Бу воқеани кузатиб турган Барчиннинг бир тарафдан ғазаби келиб, бир тарафдан ғайрати келиб, Алпомишга айтади:

***Йиқолмасанг, бизга бергин навбатни,***
***Жуда келди Барчин ёрнинг ғайрати.***
***Ушлагандан кўкка отмай не бўпти?***
***Йиқолмасанг, тўрам, навбат тилайин,***
***Эркак либосини ўзим кияйин.***

Хатти-ҳаракатида бирон бир ножўялик, сўзларида ёлғон йўқ. У ота-онасига ҳам беҳад меҳрибон. Ота-онага бўлган меҳр-муҳаббат, фарзандлик ҳисси уни ўз ёри Алпомишни яна Қалмоқ юртига юборишга мажбур қилади.

Барчин достон сўнггида ғайратли, шижоатли қиздан ғам чекиб эзилган аёлга айланади. Шундай бўлишига қарамай, ҳамон душманга бўйин эгишни истамайди. Энди у бор меҳр-муҳаббатини ёлғиз фарзанди Ёдгорга бағишлайди. Ёдгорнинг бахти, истиқболи учун яшайди ва сабр-тоқат билан яна ўз бахтига эришади.

Барчин тасодифий образ эмас. Унда бир неча асрлик орзуларимиз, дунёқарашимиз ҳукмрон. Биз достончилигимиз ва ундаги Барчин каби тимсоллар билан фахрлана оламиз. Чунки, у бутун шарқ аёлларининг тимсоли ва кўзгусидир. Ўзбек қизларининг Барчиндек ўз бахтини топиши, орзулари ушалиб, мурод-мақсадига етишишини истаганимиз учун уларни Барчиной деб атаймиз. Зеро, орамизда Барчинойларимиз кўпаяверсин.

**Нигора ТЎХТАМАТОВА,**
**талаба**

XXI аср — ёшлар асри



Шуҳрат ҲАЛИМОВ, Тошкент алоқа коллежи талабаси

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Turkiston»га обуна бўлинг! Нашр индекси — 203

Дилноза ШОКИРОВА, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани



Янги дунё — ёшлар дунёси

«Обуна давом этади» танловида қатнашишни истаган ёшлар «Turkiston»га обуна бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома нусхаси ҳамда ўз фотосуратларини жўнатишларини сўраймиз.

YOSHLAR VA MA`NAVIYAT

Кутубхона — тараққиёт бешиги

# ТАЛАБА КИТОБ ЎҚИЯПТИМИ?

*Шубҳасиз, талабалик даврининг учдан бир қисми кутубхонада ўтади. Ҳали семинар ёзиш, ҳали реферат, ҳали сессияга тайёрланиш деганларидек. Қай бир институтга борманг, навбатдаги машғулотга тайёрланиш учун кутубхонага шошаётган бўлажак фан изланувчиларини учратишингиз табиий.*

*Хўш, бугунги кутубхоналар талабалар эҳтиёжига жавоб бера оладими? Нашрдан чиқаётган янги адабиётлар уларни қониқтиряптими? Умуман, талабалар ўзларига керак бўлган китоблар билан етарлича таъминланганми?*

*Бу каби саволларга жавобни Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти асосий кутубхонасидан излаб кўрдик.*

*Ўзгача дид билан безатилган, кенг, озода, турли хил шиорлар кўрк ташлаб, жилоланиб турган кутубхона. Унинг ортиқча шовқинни ёқтирмаслиги аён бўлса керакки, ҳамма оёқ учида қадам ташлайди.*

*Талабалар ўқув залида китобга шўнғиб кетган. Биз уларга халақит бермай, йўлакда турган йигит-қизларни суҳбатга тортамиз.*

***— Барчангизга маълумки, бугунги кунда таълим тизимига берилаётган катта эътибор самараси ўларок барча фанлардан янги-янги дарсликлар, қўлланмалар нашрдан чиқмоқда. Бу адабиётлар сизларни қониқтиряптими?***

**Раъно Бойбуллаева — 3-курс талабаси:**

— Ҳа, бакалаврлар учун мўлжалланган маъруза матнлари тўплами ва турли хил адабиётлар нашрдан чиққанлиги бизга жуда катта имкониятлар яратиб бермоқда. Улар бизга зарур бўлган масалалар бўйича янги, мазмунан бой эканлиги, мавзунинг асл моҳияти теран очиб берилганлиги билан диққатга сазовордир. Лекин ростини айтиш керакки, баъзилари бизнинг талабимизни қониқтирмайди, негаки, улар ўртасида ўхшашлик, такрорийлик бор. Келтирилган далиллар ҳам деярли бир хил. Яқинда бир журналда ўқиб қолдим, Германияда жаҳонга донғи кетган олимлар асарларидан ўқув машғулотларига тайёрланишар экан. Қанийди, бизда ҳам шундай бўлса.

**Шухрат Эшимов — 4-курс талабаси:**

— Мутахассислигимизга тегишли бўлган баъзи нодир адабиётлар рус тилида бўлганлиги сабабли уларнинг мағзини чақиш бирмунча қийинчиликлар туғдирмоқда. Шундай мазмунга эга бўлган китобларни китоб дўконидан истаганча топиш мумкин.

***— Кутубхона хизмати сизларнинг талабингизга жавоб бера оладими?***

**Барно Эшболтаева — 3-курс талабаси:**

— Биз адабиётлар топишга кўп қийналмаяпмиз. Негаки, кутубхонада ҳаммаси мавжуд. Кутубхонадаги мавжуд қироатхона, уйга китоб бериш бўлими, бадиий адабиётлар бўлими, мусиқий адабиётлар бўлимлари хизматидан фойдаланамиз, бундан ташқари талабалар ётоғида кеч соат 22 гача ишлаб турадиган филиал, мусиқий адабиётлар бўлими ишлаб турибди.



***— Талабалар ўқув машғулотларидан ташқари мустақил равишда китоб мутолаа қилиши қай даражада?***

**Зуҳра Бердиева — кутубхона раҳбари:**

— Кейинги йилларда талабаларнинг китоб ўқишга муносабати ижобий томонга ўзгарди, кўпроқ кутубхонадан фойдаланишга ҳаракат қилишяпти. Чунки ўқув жараёнида янги-янги топшириқлар берилмоқда. Бундан ташқари, долзарб муаммолар, ижтимоий маданий ҳаёт ҳам улар олдига кўпроқ билим олиш, кўпроқ ахборотга эга бўлиш вазифасини қўймоқда. Шунинг учун бўлса керак, кутубхонамиз доимо гавжум. Лекин умуман кутубхонага келмайдиган талабалар ҳам бор. Китобхонлар орасида ўқиш маданияти кўникмасига эга бўлмаган, китобга тўғри муносабатда бўла олмайдиганлар ҳам бор. Улар кутубхона мулки халқники, барчаники эканини тушунишмайди. Менимча, бир муаммо борки, буни барчамиз биргаликда амалга оширишимиз керак. Китоб ўқиш маданиятини тарбиялашни болаликдан бошлашимиз зарур. Биздаги энг катта камчилик мана шу. Бугунги кунда кутубхонамиз ИНТЕРНЕТ тармоғига уланиб, бир қанча компьютерлар ишлаб турибди. Кутубхона жамғармасини электрон каталогга ўтказиш ишини амалга оширяпмиз. Талабалар эндиликда бемалол компьютердан фойдаланиб, ўзларига керакли ахборотни олишлари мумкин. Турли хил муаммоларга оид лазер дискетлар олдик. Яқинда институтимизга Германиядан немис тилидаги яхши ўқув адабиётлари магнит тасмалари билан биргаликда совға қилинди. Яқин кунларда лингофон зали ҳам ишга тушади ва ҳар бир қизиқувчи талаба немис тилини мукаммал ўрганиши мумкин.

**Раъно Тожибоева — филиал кутубхоначиси:**

— Ўзингизга маълум, талабалар вақтли матбуотнинг фақат биттасигагина обуна бўлган ҳолда бошқаси билан таниша олмайди. Бу ўринда талабалар ётоғида фаолият кўрсатаётган кутубхона филиали бизларга қўл келади. Бу ерда истиқомат қилаётган 190 дан ортиқ талаба учун ўқув машғулотларига тайёрланиш учун мутахассисликка оид адабиётлар, бадиий адабиётлар етарли даражада. Айниқса, кейинги пайтда жуда кўп янги адабиётлар олдик. Бўш вақтни унумли ўтказиш учун ёшлар нашрлари, шунингдек "Шарқ юлдузи", "Жаҳон адабиёти", "Тафаккур", "Ёшлик" журналларининг ўрни беқиёсдир.

**Ҳилола Аҳмедова — 4-курс талабаси:**

— Мутахассислигимиз кутубхоначи бўлганлиги учун кутубхона ва янги нашрдан чиқаётган адабиётлар ҳақида гапириш ҳам, кутубхоначиларнинг елкасида оғир масъулият турганлигини тушуниш ҳам менга осонроқ. Тан олиш керакки, кўпчилик кутубхоначининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини тушунмайди ёки эътибор бермайди. Улар кутубхоначининг иши фақат китоб олиб беришдан иборат деб ўйлайди. Кутубхоначининг меҳнати кўзга кўринмайди, аммо бу жуда олижаноб иш. Ўзингизга маълум, XXI аср ахборот асридир. Ахборотлар мажмуасининг таянч нуқтаси эса кутубхона. Шу ўринда Ўзбекистон кутубхоналарини замон талаблари даражасига кўтариш, жаҳоннинг энг йирик кутубхоналари билан ахборот алмашишни йўлга қўйиш — тараққиётимиз учун энг муҳим омиллиги сабабли ҳам бу борада кўплаб ишлар қилинмоқда. Энди бугунги кунда нашр этилаётган адабиётлар ҳақида гапирсак, уларнинг номи ҳам, сони ҳам кўп.

**Рустам ЗОИРОВ**

LUQMA

## КИМ «МАШҲУР»?

Олий ўқув юртларида ким "машҳур"лигини билмоқчимисиз, унда ўқув юртлари "кафе"ларига бир назар ташланг. Шуниси қизиқки, дарс қолдирмайдиган, аъло баҳоларда ўқиб, фан олимпиадаларида биринчи ўринни эгаллаганлар машҳур эмас, дарсга кирмай кун бўйи йигитлар билан чақчақлашиб ўтирадиган, сўнгги модадаги кийимларини кўз-кўз қилиб, ўтган-кетганнинг кетидан гапириб ўтирадиган талабалар машҳур ҳисобланади.

Оддий, содда ёки ўқишлари аъло талабаларни ҳеч ким танимайди ва эсига ҳам олмайди. Кийинишда ким ўзарга ўйнаб, ўзини ҳамма нарсага қодир деб санайдиганларга кўпчилик талабалар ҳавас билан қарашади.

Йигитларимиз ҳам ўша соддадил қизларни эмас, кийиниши зўру, калласи бўм-бўш бўлган қизларни севишади. Бунга ажабланмай бўладими?

**Нигора МЕЙЛИҚУЛОВА,**
**талаба**

AKS-SADO

Ота-оналар бунга масъул

## «ЎТИРИШ, ГАП-ГАШТАК ЎҚУВЧИГА ЯРАШАДИМИ?»

«Туркистон» газетасининг ўтган сонларидан бирида эълон қилинган «ЎТИРИШ, ГАП-ГАШТАК ЎҚУВЧИГА ЯРАШАДИМИ?» сарлавҳали мақолада бугуннинг муаммоли бир саволи ўртага ташланган. Ҳақиқатдан ҳам, гап-гаштак, ўтириш ўқувчига мутлақо ярашмайди. Буни ота-она ҳам яхши тушунади, аммо фарзандининг кўнгли ўксимаслиги, ўртоқларидан ажралиб қолмаслиги учун ўқувчиларнинг ўтиришлари-ю, зиёфатларини ўтказиб беради. 11-синф ўқувчиларининг ота-оналари тузаб берган дастурхонда ўтириши, айрим ҳолларда спиртли ичимлик ичиб, сигарет чекишлари ва бунга "йигитчилик-да" дея бефарқ қараётган катталаримизнинг лоқайдлиги бизни ўйлантиради. Ажабланарлиси, фарзанд ота-онасидан ҳақини ундиради-ю, ота-она фарзанди ўз бурчини бажармаётганидан қайғурмайди. Фарзанди ўқишга киролмаса, кўп азият чекади. Аслида, фарзандига барча шароитни яратиб берган ота-она ўқишга киролмаган боласидан хафа бўлиши лозим эмасми?

Аммо мақоладаги бир фикрга унчалик қўшилолмайман: "Сўнгги қўнғироқ" ва "Битирув оқшоми" тадбирларида ўқитувчиларнинг бош бўлиб олдинги қаторларда юришини қандай тушунса бўлади". Ваҳоланки, оқшомларни ота-оналар ташкил қилади. Биз — ўқитувчилар ота-оналар ва ўқувчилар иштирокида мажлис, йиғилишлар ўтказиб, оқшомни ўтказиш шарт эмас, деймиз. Аммо улар бундай кун, бир марта бўлади дея санъаткорларни излайдилар, видеокамерада тадбирни суратга олишни режалаштирадилар.

Демак, саволга фақат ўқитувчилар эмас, ота-оналар ҳам жавоб берсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**Юнусобод туманидаги 274-мактаб ўқитувчиси**

# ВАТАН СЎЗ СЎРАЙДИ

Ватан туйғуси, элу юрт мустақиллиги қалам аҳлидан, ижодкорлардан юксак, муносиб Сўз сўрайди. Ватан олдидаги узиб бўлмас қарздай, элу юрт наздидаги Бурчдай юксак Сўз. Ватан берилмайди, инчунин олинмайди ҳам. Она сути янглиғ муқаддас,она мисол табаррук ва бетимсол Ватан фарзандларнинг дилу жони билан бирга улғаяди, фазлу камол топади. Фарзандларнинг бахту камоли айни пайтда элу юртнинг ҳам камолидир.

Ватанимиз бу озод ва озода кунларга ўз-ўзидан эришгани йўқ. Ҳуррият йўлида заҳмат чеккан, қон тўккан, жонларини фидо этган улуғ инсонларнинг ҳам назаргоҳидир бул Ватан. Юрт озодлиги йўлида фидо бўлган зотлар қонидан бино бўлган лолазорлар ҳам биздан Сўз сўрайди. Ким англаб, ким моҳиятини тўлақонли англолмаган илк қийинчилик йиллар ортда қолди. Ўтган 10 йиллик давр ичида Ватанимиз бор бўй-бастини жаҳон давлатлари аро озод кўрсата билди. Мамлакатимизнинг оқил ва узоқни кўра билгувчи раҳбарлари чеккан заҳматлар, саъйи ҳаракатлар зое кетмаганини бутун инсоният кўриб, билиб турибди.

Биз Ватанни муқаддас деймиз, тупроғини, гарду ғуборини кўзимизга тўтиё қилишга жонимизни ҳам фидо қилмоққа тайёрмиз. Халқимизнинг бағрикенглиги, заҳматкаш ва ҳалоллиги етти иқлимларга овоза. Демакки, шундай элнинг шоирлари ҳам шу элнинг шаън-шавкати, ор-номусига муносиб, лойиқ Сўз айтмоқлари лозим бўлади.

Ўзбек адабиёти, шеърияти улуғ салафлар устозларнинг назаргоҳидир. Миллат учун қурбон бўлган Қодирийлар, Усмон Носиру, Чўлпонларнинг нигорон кўзлари ҳам биздан Сўз сўраётгандай... Элнинг шаън-ғурурини ифодалайдиган, кўнгилни мунаввар этувчи эзгуликларга, юксак ватанпарварлик ва фидойиликка ундовчи, фарзандларга, ёш авлодга элу юрт, Ватан озодлиги учун жон берган улуғ зотларнинг заҳмату фидойилигини тириклик ва ҳаётнинг қадру қимматини англатгувчи, тушунтиргувчи ҳақиқий, самимий сўзлар ҳамда асарлар керак. Ёшлар шеърияти олдида, зиммасида бугунги кунда айнан шу масъулиятли ва шарафли вазифа турибди. Шу маънода Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида "ОНАЖОНИМ ШЕЪРИЯТ" адабий-бадиий тўгараги ташкил этилди. Тўгаракни тузишдан мақсад — шу элга, шу юртга хизмат қиламан деган қутлуғ ният билан қўлига қалам олган, бугунги кунда дадил ва баралла сўз айтишга ҳаракат қилаётган, илк китобларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилган ёш истеъдодли ижодкорларнинг бошини қовуштириш, устоз-шоирларимиз, адибларимиз дарсхонасидан уларни баҳраманд этиш, ўтказиш, янги-янги рост ва самимий асарлар ёзишга руҳлатиришдан иборатдир.

Тўгарак машғулотлари маълум маънода маҳорат мактаби вазифасини ҳам ўтайди, дея умид қиламиз. Сабаби, машғулотларни бугунги адабиётимизнинг кўзга кўринган намояндалари, Сўз тегирмонида пишган устоз адиб ва шоирларимиз ўтказишлари белгиланган. Тўгарак машғулотларига ёш шоирларнинг ижодий кечалари, мушоиралар, янги чиққан китоблар муҳокамаси ҳам битилганки, бу тўгарак фаолиятини янада қизиқарли ўтишини таъминлайди, деб ўйлаймиз. Машғулотларга барча ёш қаламкашлар, ҳаваскор ва ҳавасмандлар, шунингдек адабиёт ва шеъриятга қизиқувчи ихлосмандлар таклиф этилади. **Тўгаракнинг илк танишув машғулоти 2002 йилнинг 23 январь куни соат 14.30 да ўтказилади. Бунда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети қошида ташкил этилган Олий адабиёт курси тингловчилари билан учрашув ҳамда мушоира ўтказилади.** Машғулотда Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Усмон Азим, Ҳалима Ҳудойбердиева, Хуршид Давронлар иштирок этадилар.

**Рустам МУСУРМОН**

# КАСКАДЁР БЎЛИШ ОСОНМАС

**«Келажакда каскадёр бўлишни орзу қиламан. Шу боис газетада машҳур каскадёрлар ҳақида мақолалар эълон қилсангизлар.**
**Бобур ОРТИҚОВ,**
**Китоб тумани»**

**Баъзи чет эл фильмларида машиналарнинг баландликдан қулаши, инсонларнинг ёнғин ичида қолиши тўғриси, кўпчиликни ҳайратлантиради. Бу мураккаб ҳаракатларни бажарадиганлар кимлар? — деган савол ҳар биримизда пайдо бўлиши табиий. Бунга жавоб олиш мақсадида "Ўзбекфильм" студиясининг каскадёрлар гуруҳи раҳбари ва айни пайтда бир қанча фильмларда каскадёр сифатида иштирок этиб, кино мухлислари қалбидан ўрин олган Владимир Исаев билан суҳбатлашдик.**



**—Умуман, каскадёрлар Республикамизда қандай мавқега эга?**

— Каскадёрлар бизда жуда озчиликни ташкил этади. Сабаби, бизнинг соҳамизга унчалик эътибор берилмаяпти. Шу боис, каскадёр бўлишни орзу қилган йигитлар шароитимиз қийинлиги, имконимиз йўқлигини билиб, ўз ниятларидан қайтишмоқда.

**— Яқин орада қайси клип ёки фильмларда иштирок этдингиз?**

— Кўпчиликнинг севимли гуруҳига айланган "Ситора"нинг "Аждодлар" қўшиғига ишланган клипда қатнашдим. Фильмларга келсак, "Занжир" видеофильми, "Меш полвон", "Кичкина табиб" каби бадиий фильмлар эпизодларида ҳам иштирок этганман.

**— Каскадёр бўлиш учун жисмонан бақувват бўлиш керакми?**

— Бу соҳада жуда бақувват бўлиш шарт эмас. Асосийси, тез ҳаракат қилиш, отларни яхши чоптириш, машина ва мотоциклларни яхши ҳайдаш ва акробатик сакрашларни маҳорат билан бажариш зарур. Каскадёр бўлиш, барибир осон эмас.

**— Суратга олиш пайтида бирор хавфли ҳодиса юз берганми?**

— Қайсидир бир фильмни суратга олаётганимизда поезддан сакраш керак эди. Ўша эпизодни уч марта суратга олдик, жуда яхши чиқди. Лекин тўртинчи марта олинаётганида поезд ҳаракати белгиланган тезликдан анча ошиб кетди. Шунда ҳам мен кўрсатилган жойга сакрадим. Бироқ ўшанда бошим қаттиқ лат еб, ўнг қўлим синганди.

**— Спортга кун давомида қанча вақт ажратасиз?**

— Спорт билан шуғулланишга энг камида тўрт соат вақтим кетади.

**— Бугун яратилаётган фильмлардаги каскадёрларнинг ҳаракати сизга ёқадими?**

— Унча ёқмайди. Фильмларда каскадёрлар яхши ишламайди. Ҳеч бир каскадёр ҳаётини хавфга қўйиб, қаттиқ, оғир, хавфли эпизодларни бажармайди. Шу боис ҳам баъзи фильмлар, ишонарли чиқмайди.

**— Илк иш жараёнида ўзингизни қандай ҳис қилгансиз?**

— 1976 йил тарихий фильм суратга олинаётганди. Суратга олиш майдончасида тарихий шахслар ролини ижро этаётган таниқли актёрлар ҳаракати, турли хил декорацияларни суратга олаётган оператор ва режиссёрларнинг хатти-ҳаракатлари менга қизиқ туюлган. Худди ўзимни эртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис қилганман. Фильмда кичкинагина эпизодда қатнашган бўлсам-да, бу ҳали-ҳануз ёдимдан чиқмайди.

**— Қариликда нима билан машғул бўлмоқчисиз?**

— Ҳозир 41 ёшдаман. Ҳадемай каскадёрлик фаолиятимга чек қўйилади. Чунки ёшим... Каскадёрлар мактабини очиш ниятим бор. Юртимизда бундай мактаб ҳали очилмаган. Ундан ташқари, каскадёрлар ҳаёти ҳақида кинофильм яратиш ниятидаман.

**— Ҳаётда сизни жиддий инсон дейишади?**

— Эҳтимол шундайдир, тўғриси, мен енгилтакликни ёқтирмайман. Иш жараёнида эса, албатта, жиддий бўлмоғимиз даркор, акс ҳолда...

**Рустам ҲАЙДАРОВ**
**суҳбатлашди**

BUGUNNING SABOG`I

Гиёҳвандликнинг боши ҳам, охири ҳам фожеа

# БЕЛИНГДАН ДАРЗ КЕТСАНГ ҲАМ

**Ҳаётда нафақат йигитнинг, балки ҳар қандай инсоннинг ботинан дарз кетиши учун сабаблар кўп. Шулардан энг ёмони ва энг тез таъсир қиладигани гиёҳвандликдир. Мутахассисларнинг фикрича, бу хасталикни тугал даволаш мушкул. Улар узоғи билан 5 йил, ундан ошса, 10 йил яшай олади. Нарёғи ўлим.**



# ЭЛИНГДАН ДАРЗ КЕТМА!

Бу тўғрида кўп гапирамиз. Ҳаттоки бунга ҳукумат даражасида эътибор қилиниб, Олий Мажлиснинг 1999 йил август ойидаги сессиясида "Наркотик моддалар ва руҳий таъсир этувчи воситалар тўғрисида" Қонун ҳам қабул қилинди. Бу фойдадан ҳоли бўлмади, аммо юртимизга гиёҳванд моддаларнинг хориждан кириб келиши ва инсон назари тушмайдиган чекка-чекка жойларда экиб, кўпайтиришни бутунлай чеклаш имконияти, афсуски бўлмаяпти.

Кейинги икки-уч йил ичида гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчиларнинг дунёвий даромади йилига 400 миллиард АҚШ доллари миқдорида ошганлиги ҳам кишини ташвишга солади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сўнгги маълумотларига қараганда, ер юзида жами 194 миллион киши бевосита турли гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилади. Дунё бўйлаб 50 миллиондан ортиқ киши ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) касаллигига дучор бўлган. Уларнинг 90 фоизини гиёҳвандлар ташкил этади.

XX асрга келиб авжига чиққан гиёҳвандлик балоси, афсуски, кам бўлса-да, бизнинг Ўзбекистонимизда ҳам учрайди. У бизга хориж ва хорижликлар орқали кириб келаётган бўлса-да, зудлик билан бундай "вабо"нинг олдини олиш лозим. Шу кеча-кундузда юртимизда гиёҳванд моддаларни қабул қилиш орқали касалланган фуқаролар сони тобора ошиб бормоқда. Энг ачинарлиси шуки, руҳий таъсир этувчи моддаларни бевосита қабул қиладиганлар орасида хотин-қизлар ҳам учрамоқда. Статистик маълумотларга кўра, юртимизда жами гиёҳвандларнинг 6,4 фоизини заифалар ташкил этади. Шу ўринда бир савол туғилади: Хўш, заҳри қотилга қарши кескин кураш олиб борилаётган бугунги кунда нима учун кашандалар сони тобора кўпаймоқда? Бунинг жавоби турлича: гиёҳвандлик туфайли боши берк кўчага кириб қолган, чорасиз шахслар бошқаларга сир бой бергиси келмайди. Ота-онаси ва бошқа мутасаддилар эътиборидан четда қоладилар. Ўзича даволаниш йўлларини ахтарадилар. Дори-дармонга пул топиш илинжида кечагина гиёҳванд моддани истеъмол қилиб юрган шахс уни сотишга тушади. Натижада содда, ёш ва гўл тенгқурларини ҳам ўз домига торта бошлайди. Бугун биттасига, эртага иккитасига пуллайди. Чўнтаги пулга тўлавергач, шу йўл билан беҳисоб мол-дунё орттириш пайига тушади. Алал-оқибатда даволанишни ҳам бутунлай унутиб юборади. Кашандалик балоси шу йўсинда ундан бошқаларга ҳам юқади. Миқдор эса ортиб бораверади.

Пойтахтимиздаги наркология шифохонаси шифокори Умида Боймуҳаммедованинг айтишича, гиёҳвандни бир марта даволаш учун ҳаммаси бўлиб 100 минг сўмдан кўпроқ зарурий воситалар сарф қилинади. Афсуски, уларни бир маҳал даволаш орқали бутунлай соғайтириб бўлмайди. Натижада, бир беморнинг тўлиқ оёққа туриши учун анча-мунча маблағ талаб қилинади. Бас шундай экан, гиёҳвандликнинг оғир оқибатлари, нафақат шу йўлга кириб қолган шахснинг ўзига, балки мамлакатга, жамиятга ҳам зарар қилади.

Дунёвий ҳисоб-китобларга қараганда, гиёҳвандлик билан асосан 18-40 ёшдаги шахслар кўпроқ шуғулланадилар. Нима учун? Негаки, 18 ёшда ҳар бир инсон шахсий ҳаётга қадам қўяди. Айнан шу ёшдагилар ўзини эркинроқ ҳис этадилар. Масаланинг ўта фожеали томони шундаки, айрим ота-оналар, маҳалла-кўй, жамоатчилик 18-20 ёшга қадам қўйган ўғил-қизларни: "Энди у эс-ҳушини таниб олди, бемалол ўзича яшаши мумкин, бундан буён тежаб-тергаб турмасак ҳам ўз йўлини топиб кетади" деган хом тушунчага борадилар ва улар назоратини бутунлай ташлаб қўяди. Мустақил ҳаётга илк қадам ташлаётган кишига дастлаб ўз эҳтиёжини қондириш, яхши кийиниш, еб-ичиш, яқин дўст-ошна орттириш учун нима керак, пул керак. Меҳнат қилиб, ўз эҳтиёжи учун зарурий маблағни тополмаган бўз йигитлар секин-аста пул топишнинг бошқа чорасини излай бошлайди. Натижада боши берк кўчаларга кириб қолади.

Баъзи кишилар 40 ёшдан ошгандан сўнг ҳам эс-ҳушини йиғиб оломайдими? Нима учун шу ёшдагилар ҳам гиёҳвандлик билан шуғулланадилар, деган саволнинг пайдо бўлиши ҳам табиий, албатта. Аввало, ақл ёшда эмас, бошда! Қолаверса, ушбу "қора иш" билан шуғулланувчилар шахсий ҳаётини тўлиқ тиклаб олгандан сўнг ҳам тийилмайдилар. Гиёҳвандлик, очкўзлик, текин даромад ва маишатбозлик уларнинг кўзларини кўр, қалбларини сўқир қилиб қўяди ва ажал топмагунча фаолиятини давом эттираверади.

Бир сўз билан айтганда, гиёҳвандликнинг бошланиши ҳам, охири ҳам — фожеа! Файласуфлардан бири: "Одамларнинг хулқига, нафсига, яшаш шароитига қараб, ўша одамлар яшайдиган мамлакатдан сиёсий, ҳуқуқий, маданий ва маиший муҳитни бемалол англаш мумкин" деган. Бас, шундай экан, қаердаки иқтисодий-маънавий ва маърифий баркамоллик, меҳр-оқибат ришталари маҳкамроқ бўлса, ўша жойда инсоннинг қадр-қиммати, ҳурмат-эътибори юқори бўлади. Қадр-қимматли одамлар ҳеч қачон "қора ишлар"га қўл урмайди. Бутун дунё бўйлаб гиёҳвандликка қарши кескин кураш кетаётган бир пайтда, ушбу касалликка йўлиқмасликнинг йўли — меҳр-оқибат, ақл-ирода ҳамда бирикиш эканлигини унутмайлик.

**НОРМУРОД МУСОМОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

# SPORT

## БОЙВАЧЧА «КЕЛИНПОШШАЛАР»

“Формула-1” автопойга мусобақаларининг ғолиби, германиялик спортчи Михаэль Шумахер ўзининг ҳақиқатдан ҳам “тилла йигит” эканлигини амалда яна бир бор исботлади. У “Феррари” жамоаси билан 2004



йилгача шартнома тузиб, пул топиш бўйича жаҳон профессионал спортчилари орасида биринчи ўринга чиқиб олди. Унинг келишув миқдори 107 миллион долларга тенгдир. Бу билан у машҳур голф устаси Тайгер Вудсдан анча ўзиб кетди. Вудснинг шартнома миқдори “бор-йўғи” 100 миллион доллар эди.

“Бойвачча хонимлар” мусобақасида эса теннисчи хотин-қизлар кўп йиллардан буён биринчиликни қўлдан бермай келишаётир. Ажабланарлиси, бу ерда ҳам немисларнинг қўли баланд келаяпти. Штеффи Граф ўзининг бутун фаолияти давомида фақат майдоннинг ўзидан (реклама маблағларидан ташқари) 22 миллион долларга яқин маблағ топган. Машҳур теннис устаси Мартина Навратилова эса 20,4 миллион доллар маблағ ишлаб, иккинчи ўринни банд этиб турибди. Бугунги куннинг машҳур спортчиси Мартина Хингис эса 16 миллион долларлик маблағ билан учинчи ўринда бормоқда. Россиялик Анна Курникова эса майдондан бор-йўғи 1 миллион доллар ишлаган.

## ЖАБРДИЙДА МАТЕУС

Ўтган асрнинг машҳур собиқ футболчиларидан бири бўлган Германия терма жамоасининг сардори Лотар Матеуснинг номи кўпчилик спорт мухлисларига жуда яхши маълум. Кўп машҳур кишилар каби унинг ҳам оила масаласида омади юришмай турибди. Матеус “Бавария” ва ГФР терма жамоаси шифокорининг 24 ёшли қизига уйланган эди.

Лотар ўзининг аянчли қисматида собиқ қайнотасини айбдор деб билади.

— У бошидан бошлабоқ, — дейди жабрланган Матеус, — бизнинг ўзаро муносабатларимизга қарши эди. Ҳатто бир сафар мен қайнотамнинг қизига: “Сен Лотарнинг пулига учма, биз сени доимо маблағ билан таъминлаб турамиз. Сен бошқа оиладан бўлган зиёли куёвга лойиқсан. Бундай йигитларни топишга ўзим кўмаклашаман” — деганини эшитганман.

Матеуснинг ўша хотини ҳозир АҚШдаги театр мактабида ўқимоқда ва афтидан, у энди Лотарнинг ёнига қайтмаса керак. Машҳур футболчи ёлғиз яшашга ўрганиб қолганидан бўлса керак, собиқ рафиқасига қуйидаги тарзда бахт тилаган: “У ҳали ҳам гўзал ва жозибадор. Ҳали ҳаммаси олдинда. Мен унга фақат омад тилайман”. Айтмоқчи, Лотар Матеусдек машҳур кишининг ўзи ҳам дунёдан сўққабош бўлиб ўтмаса керак!

## ФАЙЗИЕВГА «АЛАНИЯ» ХАРИДОР

Ўтган асрнинг машҳур собиқ футболчиларидан бири, Москванинг “Динамо” жамоаси ўйинчиси Валерий Газзаев МАСК жамоасига мураббий бўлиб келгач, бир неча ўйинчиларни “сотув”га қўйишни лозим топган. Улар орасида ўзбекистонлик 26 ёшли спортчи Даврон Файзиев ҳам бор. Унга Владикавказнинг “Алания”си харидорлик қилмоқда. Сўнгги натижа “Алания”нинг Туркиядаги йиғинларидан сўнг аниқ бўлади. Маълумки, Даврон 2000 йилда марҳум мураббий Павел Садириннинг таклифига кўра Россия биринчилиги жамоасида ўйнай бошлаган эди.

## ТАРКИ ОДАТ...

Ўзбекистон ўсмирлар футбол терма жамоаси турнирда қатнашиш учун Санкт-Петербургга кетганлиги ҳақида хабар қилган эдик. Яқинда ёш спортчиларимиз илк учрашувларини ўтказишди. Биринчи ўйинда россияликлар билан 2:2 ҳисобидаги “жанговар” дурангга “имзо” чекишган вакилларимиз польшаликлар билан бўлган иккинчи баҳсда 2:0 ҳисобида мағлубиятга учрашди.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ**
**тайёрлади**

# ФРАНЦИЯ ҲАҚИДА НИМА БИЛАСИЗ?

**Бугунга келиб дунёнинг қудратли давлатларидан бирига айланган Франция сиёсий тузумга кўра демократик республикадир. Баъзан уни Бешинчи республика деб ҳам аташади. Чунки бугунга қадар мамлакат тарихида беш марта республика тузуми ўрнатилган.**

Биринчи республика 1792 йил 21 сентябрда ўрнатилган бўлиб, 1793 йилда унинг биринчи конституцияси қабул қилинган. Унга кўра, қонун чиқарувчи ҳокимият умумий овоз бериш йўли билан сайланадиган бир палатали парламентда мужассамлашган. Мазкур тузум орадан икки йил ўтмай, таҳлика остида қолди ва террорнинг мудҳиш зарбаларига учраб, тез орада хотима топди.



Иккинчи республика 1848 йил 24 февралда эълон қилинди. Мамлакатнинг барча нуқталарини қамраб олган инқилоб янги республика тузумининг шаклланиши учун замин яратди. Француз халқи ўзининг биринчи президентини сайлади (Луи Бонапарт 40 ёшида президент этиб сайланган эди). Иккинчи республика конституциясига асосан (1848 й.) қонун чиқарувчи парламент бир палатадан иборат бўлиб, тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 3 йилга сайланар эди. Бироқ, Иккинчи республика сурури ҳам узоққа чўзилмади. 1852 йил 2 декабрда унинг ўрнини Наполеон III нинг иккинчи империяси эгаллади.

Мустабид зўравонликка қарамай, демократияга ташна француз халқи республика учун ҳеч нарсадан қайтмади. Узоқ курашлар натижаси ўлароқ, 1870 йил 4 сентябрда Учинчи республика тузуми қарор топди 1875 йилги давлат конституцияси эса мамлакатда биринчи марта икки палатали парламент тизимини жорий этди ва шу вақтдан эътиборан мазкур тизим жамият сиёсий ҳаётининг ажралмас тамойилига айланди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг озод этилган Францияда 1946 йил қабул қилинган конституция Тўртинчи республиканинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. У икки палатали тизим тартибини сақлаб қолди.

Ниҳоят, 1958 йил 4 октябрда Бешинчи республиканинг қонуний асоси — янги конституция эълон қилинди. Асосий қонун демократик тузум ва давлатнинг бошқарув шаклларини белгилади. Унга кўра, президентлик бошқаруви жорий этилди ва айни пайтда парламент ҳам ўзининг такомиллашган намунасига эга бўлди. Парламентнинг қуйи палатаси Миллий Ассамблея 577 та депутатдан ташкил топиб, умумий ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. У ҳукумат фаолиятини назорат қилади ва уни “ағдариб” юбориши мумкин. Айни пайтда, ўзи ҳам давлат раҳбари — Президент томонидан тарқатилиб юборилиши мумкин.

Сенат эса юқори палата бўлиб, “тафаккур палатаси” деб ҳам аталади. Сенаторлар сони 321 нафар бўлиб, улар тўғридан-тўғри бўлмаган билвосита овоз бериш йўли билан, яъни икки босқичда сайловчилар коллежлари томонидан сайланадилар. 9 йил муддатга сайланган Сенат депутатларининг учдан бир қисми ҳар уч йилда янгиланиб туради. Миллий Ассамблеяга сайланиш ҳуқуқи 23 ёш билан белгиланган ҳолда, Сенатга сайланиш имконияти 35 ёш билан чегараланади. Сайловчиларнинг тўғридан-тўғри таъсиридан анча холи бўлган Сенат Президент томонидан ҳам тарқатиб юборилмайди. Айни пайтда ҳукумат истеъфосини талаб ҳам эта олмайди. Сенат қонунчилик ташаббусига эга бўлиб, қуйи палата тақдим этган қонун лойиҳаларини қайта кўриб чиқади ва ўзгартиришлар киритади. Эслатиб ўтиш жоизки, ҳар икки палата қонунчиликда тенг таъсирга эга. Шу туфайли, икки палата орасида амалда ижодий рақобат яққол кўзга ташланади. Агарда икки палата ўртасида келишмовчилик чиқса, Бош вазир ташаббуси билан “яраштирувчи комиссия” тузилади. Тенг сонли қўшма комиссия палаталар орасидаги тортишувни ҳал этишга ҳаракат қилади. Акс ҳолда, Бош вазир мазкур комиссияни тарқатиб юборади ва қонун лойиҳаси қабул қилинмайди. Ана шундай ҳолатда, мамлакат ҳаётига тааллуқли муҳим масала қонун шаклида қабул қилинмаса, у ҳолда мазкур масала референдум орқали ҳал этилиши мумкин.

Франция сиёсий ҳаётида парламент ва мамлакат Президенти орасидаги муносабатлар ҳам ўзига хосдир. Давлат ва ҳукумат раҳбари — Президентнинг у ёки бу шаклдаги устивор мавқега интилиши ва унга нисбатан парламентнинг фикрчанлиги икки ҳокимият ўртасида ўзаро таъсирни мувозанатга солувчи ўзига хос механизмларни вужудга келтирган. Ана шундай механизмлардан бири парламентнинг икки палатали эканлигидир.

Франция парламенти айни чоғда сиёсий партиялар ва гуруҳларнинг ўзаро кураш майдони ҳамдир. Сенатда 99 ўринга эга ўнг “Республика учун иттифоқ” партияси етакчилик қилса, Миллий Ассамблеяда 250 ўринни қўлга киритган сўл социалистлар партияси кўпчиликни ташкил этади. Парламент муҳокамаларида ўнлаб партия ва блоклар орасида баҳс мунозаралар шу қадар қизиб кетадики, уларнинг негизида унутилмас, оммабоп қизиқ-қизиқ латифалар юзага келади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Францияда парламентаризм тизими яқин ўтган даврлар ичида пайдо бўлмаган ва у ўзининг қўш юзйиллик тарихига эга. Бу юзйилликлар давомида сиёсий курашлар, мунозаралар ва рақобатлар натижасида бугунги баркамол парламент намунаси ва парламентаризм маданияти юзага келди.

**Ҳайдарали ЮНУСОВ,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси**

## ЖАҲОН ХАБАРЛАРИ

* * *

“6+2” гуруҳига аъзо давлатлар вакиллари келаси ҳафта Қобулда учрашув ўтказиш ниятида. Учрашувда Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Хитой, Эрон, Покистон, Тожикистон ва Туркманистон вакиллари иштирок этади. Улар Афғонистон иқтисодини тиклашда муваққат ҳукуматга ёрдам кўрсатиш масалаларини муҳокама қиладилар.

* * *

Исроил адлия вазири Меир Шитритнинг фикрича, бир неча кун илгари Қизил денгизда ушланган қуроласлаҳа ортилган кема Фаластин жангариларига тегишлидир. Фаластин раҳбари Ёсир Арофат бу ишга бевосита алоқадор, деди у. Бироқ Фаластин томони Исроилнинг айбловини рад этмоқда.

* * *

Жанубий Африка Республикасида (ЖАР) Исроил ва Фаластин вакилларининг учрашуви бошланди. Тадбирда ЖАР президенти Табо Мбеки ҳам иштирок этмоқда. Уч кун давом этадиган ушбу анжуманда Исроил-Фаластин тинчлик музокараларини тиклаш масалалари муҳокама қилинади.

* * *

Япония бош вазири Дзюнитиро Коидзуми Жануби-шарқий Осиё давлатлари бўйлаб сафарга чиқди. У Филиппин, Малайзия, Таиланд, Индонезия ҳамда Сингапурда бўлади ва ушбу давлатлар раҳбарлари билан минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан музокаралар ўтказади.

**(ЎзА)**

## ХУРСАНД БЎЛДИМ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, Ўзбекистон деб аталмиш қадимий юртнинг бой маънавий ва маданий меросини ўз кўзи билан кўриб, танишиш иштиёқида бўлган хорижлик меҳмонларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

Хорижлик Кевин Кейджни ҳайратга солган нарса пойтахтимиздаги метро бекатларида эшиклар ёпилишидан олдин айтиладиган: “Илтимос, ёш болали, ногирон ва кекса йўловчиларга жой беринг” сўзлари бўлибди. Ёш болали ва ногирон кишилар ҳам майли, кекса кишилар озмунчами, деб мийиғида кулди у. Унинг фикрича, бу гапларни жамоат транспортида айтилиши катта ёшдаги тик турган одам олдида ўтирган кишини ноқулай аҳволга тушишига сабаб бўларкан. Шундан сўнг, мен унга буни тушунтиришга ҳаракат қилдим. Агар эътибор бериб қараган бўлсангиз, ёшларимиз бўш ўриндиққа ўтиришдан олдин ўзидан катта ёшли тик турган киши йўқмикан, деб атрофга назар ташлашади, дедим. Бунга амин бўлгач, ўтиришга ҳақлиман, деб ўйлайди. Мабодо, бу нарсани англаб етмаган ёшлар учраса, унга кекса кишиларга ҳурмат тариқасида жой бериш керак эканлиги тушунтирилади, дедим. Кевин бундан янада ҳайратланди. Ўзбекистонликларнинг ҳаммаси яхши одамларга ўхшайди. Сизлардаги одоб-ахлоқни бутун дунёга тарғиб этиш жоиз, дея ичидаги гапни очиқчасига айтди. Бундан мен ҳам хурсанд бўлдим.

**Рустам СУЛАЙМОНОВ,**
**талаба**

HUSHYORLIKKA DA`VAT

**Болангиз гугурт ўйнаса...**

# ТИЛСИЗ ЁВ



**Кексалар: “Ўт балоси, сув балоси, туҳмат балосидан асрасин”, дея бежиз дуо қилишмайди. Ўт балосини “тилсиз ёв” ҳам деб қўйишади. Арзимаган эътиборсизлик натижасида оила бюджетига салмоқли зиён келтирувчи ёнғиннинг олдини олиш ҳар бир оила аъзосининг бурчи эканлигини унутмаслигимиз керак.**

Боланинг ўзи азиз бўлса, қилиғи ҳам азизми? Баъзида унинг гугурт ўйнаб юрганини кўрсак-да, болада, ўйнай қолсин, дея эркалаймиз, гугуртдан чиққан олов ёнғинга олиб келиши мумкинлигини айтиб, танбеҳ беришга тортинамиз. Ёки электр чироқли ўйинчоқларни токка улаб, ёқаётганда ҳам назоратга олмаслик ҳолатлари мавжудлигига нима дейсиз? Бундай пайтларда ҳар бир ота-она фарзандларини назоратсиз қолдирмаслиги, ёнғин оқибатларини тушунтириб бориши зарур. Чунки қўшимча воситаларнинг электр токини ортиқча тортиши натижасида симлар қизиб, ёнғин чиқиши мумкин. Бир электр тармоғига бир неча электр воситаларини улаш хавфлидир.

Огоҳлик “ўт балоси”нинг олдини олибгина қолмай, оилаларнинг тинчлик-ҳаловатини, соғлик-саломатлигини ҳам асрайди.

**Нодир УСМОНОВ,**
**Яккасарой тумани ёнғин хавфсизлиги инспектори**

| |
|---|
| Тошкент шаҳар Юнусобод туман ҳокимияти томонидан Нуриддинова Сайёрага берилган 1014227 тартиб рақамли савдо-сотиқ гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ** |
| Тошкент вилояти Зангиота туманида яшовчи хусусий тадбиркор Мирсоатов Зафарга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.** |
| Тошкент шаҳридаги “MO’YNOQ-SERVIS” шўъба корхонасининг думалоқ ва тўртбурчак муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**. |
| “MELMA” илмий-ишлаб чиқариш марказининг №0100 рақамли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ** |
| Тошент вилояти Қуйи Чирчиқ туман Добролюбов номидаги 35-ўрта мактаб томонидан Абдуволиев Фарход Норсаидовичга 1996 йил 19 июнда ИЖК N 035941 рақам билан берилган шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ** |
| Утерянный гос. ордер №04-22/975 От (дата) 11.05.93 Право собственности Харитоновой Натальи Владимировны на квартиру **считать не действительным** |

O`ZBEKISTON — MENING VATANIM

**Ихлос билан астойдил ҳаракат қилиш зарур**

# БИР ХОНАДОН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

**Мамлакатимизда ўзбеклар билан бир қаторда юздан зиёд миллат вакиллари ҳам истиқомат қиладилар. Шу боисдан ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ жамиятимизда миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилди, миллий-маданий марказлар фаолиятига кенг йўл очиб берилди. Шу кунларда марказ ташкил топганига ўн йил тўлди. Шу муносабат билан “Туркистон-пресс” мухбири марказ директор ўринбосари Муножот НУРМАТОВА билан суҳбатлашди.**

***— Айтинг-чи, бугунги кунда Байналмилал маданият марказининг миллатлараро муносабатлар ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини ривожлантиришдаги фаолияти қандай кечмоқда?***

— Одам одамга бир ғаразли ғийбат, бир нохуш шубҳа туфайли ёв бўлиши мумкин. Аммо одамни одамга дўст қилиш у қадар осон иш эмас. Бунинг учун ихлос билан ва астойдил ҳаракат қилиш зарур. Республика Байналмилал маданият маркази ана шу ихлос ва жонкуярлик билан олиб борилаётган ҳаракатнинг ташаббускоридир.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий марказлар иштирокида халқимизнинг Мустақиллик, Наврўз байрамлари, Конституция кунлари тантанали нишонланади. Қадриятлар қадрлангани сайин қадри ортади. Нишонлангани сайин эса бу байрамлар бутун қиммати билан ўлкамизда яшаётган турли миллат вакилларининг қалбидан жой олади ва азиз бир қадриятга айланади. Шунинг баравварида республикамизда истиқомат қилаётган элатларнинг ҳар бири ўзи учун қадрли Рождество, Пасха, Масленница, Пурим, Хансиқ, Ҳосил байрами, Чусок каби тантаналарни ўтказадилар. Бундан ташқари “Манас” эпосининг минг йиллиги, буюк бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллиги, Навоий, Жомий, Абай, Пушкин, Есенин, Мухтор Авезов, Чингиз Айтматов каби турли миллатларнинг фахри, ғурури бўлган ижодкорларнинг юбилейлари ҳам биргаликда нишонланади. Бу анжуманлар миллатларнинг тенглар ичида тенг эканлигини англатади. Худди шу ҳиссиёт астойдил меҳнат қилишга ундайди.

**— Маданият маркази тарихий Ватанини бир кўриш орзусида бўлган, аммо боришга имконияти йўқ инсонларга ёрдам беришга қодирми, умуман марказ хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганми?**

— Юртимиздаги барча миллий маданият марказлари Ўзбекистонни ўз ватанлари деб биладилар. Уларнинг асосий таянчи шу Ватан. Аммо ўзларининг маънавий эҳтиёжларини яна ҳам қондириш учун тарихий ватанлари билан алоқа боғлашларига имкон қадар ёрдам берамиз. Германия, Греция, Хитой, Исроил, Корея, Қирғизистон ва бошқа мамлакатларнинг элчихоналари марказларга моддий ва техникавий ёрдамлар бермоқда. Корейс маданият маркази фаоллари ҳар йили Кореяда ўтказиладиган “Кореяда” фестивалида иштирок этиб келмоқдалар.

**— Республика Байналмилал маданият маркази ташкил топган муддат ичида у нималарга эришди?**

— Ўн йил... мангулик олдида «йилт» этган лаҳза. Аммо ўн йил ичида тинчликосойишталикда ўтаётган ҳар бир кунимиз салоҳиятини ўйласак, бу ўн йил ўзгача аҳамият касб этади. Албатта, буни байрам қилиш оддий воқеа эмас, бу йиллар бағрикенглик билан ўтган дўстона кунларнинг шукронасидир.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА**
**суҳбатлашди**
**«Туркистон-пресс»**

# САНЪАТКОРНИНГ ВИЖДОНИ — АСОСИЙ МЕЗОН

«Turkiston» ҚАҲВАХОНАСИ

***дейди хоразмлик ёш хонанда Улуғбек БОБОЖОНОВ***

**Болалигида кишилардан қимтиниб, уялганидан овлоқ-овлоқ жойларда қўшиқ хиргойи қилиб юрадиган Улуғбек Бобожонов бугунги кунда “Хоразм юлдузлари” орасида катта саҳналарни “забт” этмоқда. Унинг ўзига хос тиниқ овози тингловчиларга бир олам завқ-шавқ бағишламоқда. Яқинда Урганчда бўлиб ўтган Комилжон Отаниёзов номидаги II ёш хонандалар кўрик-танловида фахрли ўринни эгаллаган бу санъаткорнинг ўз дунёқараши, орзу-маслаклари мавжуд. Буни хонанда билан бўлган гурунгларимиздан ҳам билсак бўлади.**

**— Сиз айрим тенгдошларингиз сингари эстрадага муккасидан кетмасдан, миллий қўшиқчилик соҳасида изланишлар олиб боряпсиз. Сизга эстраданинг маъқул келмайдиган жиҳатлари кўпми деб ўйлайман?**

— Эстрадани яхши кўраман. Бу йўсинда куйловчи машҳур қўшиқчиларни ҳам севиб тинглайман. Лекин, барибир, миллий қўшиқчилик ҳам ҳар қандай замонавий санъатнинг ёнида оғир тош босишини яхши ҳис этаман. Миллийлик ҳеч қачон меъдага тегмайди. Қадимий ва замонавий шўх-шўх яллаларни қайси даврада куйласангиз, ким севиб эшитмайди, дейсиз. Менимча, ҳар қандай санъаткор, албатта ўз миллий қўшиқларимизни куйлай билиш қобилиятига эга бўлиши шарт. Шусиз элнинг назарига тушиш қийин.



**— Барибир кўпчилик ёшлар ионика, гитара, зарбли чет эл чолғу асбобларида ижро қилинган мусиқаларни ёқтиришади, унга рақс тушишни хоҳлайдилар. Бу маълум даражада миллий санъатимизни менсимасликка ўхшайди. Ёки мен янглишдимми?**

— Ҳар бир нарсанинг ўз даври, ўз давраси бўлади. Лекин миллий санъат эстрада соясида ҳеч қачон қолиб кетмайди. Чунки у ўлмас хазинадир. Одамлар эътиборини жалб этиш хонанданинг ўзига боғлиқ. Бир даврнинг ўзида устоз Комилжон Отаниёзов фақат рубобда доира жўрлигида, Ботир Зокиров эса эстрада услубида қўшиқ куйлаб мухлислар эътиборини қозонишга муваффақ бўлганлар.

**— Агарда санъаткор бўлмаганингизда ким бўлар эдингиз?**

— Йигит кишига қирқ ҳунар оз дейдилар. Санъаткор бўлмасам, ҳам бирор корнинг бошини тутиб, ризқимни териб яшардим. Шукрки, қалбимга санъаткорлик шавқини солган экан, унинг қадрига етишим, изланишим керак.

**— Бугунги қўшиқчилигимизда қандай муаммолар бор, деб ўйлайсиз**

—Муаммолар бор. Миллийликдан узоқлашиш, хориж мусиқаларидан нусха кўчириш, мазмунсиз, сийқаси чиққан шеърларни қўшиқ қилиш кабилар ҳаммаси санъатимиз муаммоларига киради. Уларни бартараф этиш учун санъаткорларда “санъаткор виждони” тушунчасини уйғотиш керак, деб биламан. Ахир “санъаткор” деган сўзнинг маъносидан гўзаллик яратувчиси деган маъно англанади-ку!



**— Сиз яратаётган қўшиқларнинг барчаси ўзингизга манзур бўладими?**

— Билмасам, нима бўлса ҳам мухлисларимни шод этиш учун ҳаракат қилаяпман. Эҳтимол, баъзан хатолар ҳам қилаётгандирман. Бунинг учун алоҳида узрим бор.

**— “Санъаткор виждони” деган гапни қандай тушунасиз?**

— Бу тушунча кенг маънода идрок этилади. Санъаткор, аввало, ҳақиқий инсон яъни бева-бечора, етим-есирларга мурувватли, хайр-саховатли бўлиши керак. Виждон — санъаткор айтадиган қўшиқдан ҳам билинади.

Кўпчилик одамлар санъаткорларда пул кўп бўлади, деб ўйлашади. Балки, тўғридир. Чунки нима кўп, тўй-томоша кўп. Яхши кунларда топилган маблағдан хайр-эҳсон қилиб туриш ҳам “санъаткор виждони”га киради.

**— Санъаткор учун энг муқаддас нарса нима?**

— Оиласи. Хонанда, аввало оиласининг ҳурматини жойига қўйиб, турмуш ўртоғи, бола-чақасига муҳаббат билан қараб келса, умр бўйи хор бўлмайди. Енгил-елпи ҳаётга берилиб, ёшлигида оиласини хўрлаган инсонларнинг кексайганида қанчалик азият чекканининг гувоҳи бўлганмиз. Шунингдек, мен учун Ватандан муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Юрт тинч экан, бизнинг ҳаётимиз давом этаверади.

**— Сир бўлмаса, келгуси режаларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?**

— Келгусида яхши сўзнинг қадрига етадиган шоирлар билан ҳамкорлик қилиб, ўлмас қўшиқлар яратмоқчиман. Катта концерт дастурлари уюштириб, тушган маблағларни ёш қаламкашларни қўллаб-қувватлаш учун сарфламоқчиман. Қолаверса, диққат-марказимдан Меҳрибонлик уйлари ҳам четда эмас...

**Эрпўлат БАХТ**
**суҳбатлашди**

